



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

20 21-yil “ 06 ” fevral _____ K-100 _____-son

Jarqo‘rg‘on t.

Жарқўрғон тумани “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қуриш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли фармони, вилоят ҳокимининг 2018 йил 09 июлдаги Қ-573-сонли қарори 3-банди “а”-хат бошининг ижросини ҳамда вилоятда ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринларини яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер ажратиш ва уларнинг устидан назорат қилиш комиссиясининг 2021 йил 30 январь кунидаги далолатномаси, фуқаро Хаитов Акмалнинг 2021 йил 30 январь кунидаги аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 20, 23-моддаларига ва “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер ажратиш ва уларнинг устидан назорат қилиш комиссияси томонидан тақдим этилган 2021 йил 30 январь кунидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2.Жарқўрғон туман “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қуриш учун 0,04 гектар ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги туман ишчи комиссиясининг ҳулосаси тасдиқлансин.

3.Жарқўрғон туман “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қуриш учун 0,04 гектар ер майдони ажратиб берилсин.

4.Фуқаро Хаитов Акмалга ер майдонидан мақсадли фойдаланиш ва ишларни амалга ошириш учун қуйидаги таклифларга алоҳида эътибор қаратсин:

-вилоят қурилиш бош бошқармасидан меъморий-режалаштириш топшириғини олиш;

- мавжуд қурилиш меъёр ва қоидаларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини туман ёнғин хавфсизлиги бўлими ва барча алоқадор ташкилотлар билан келишиш;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза бошқармасидан ўтказиш;

- вилоят қурилиш назорат инспекциясидан қурилиш ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш;

- ер ости ва ер усти коммуникация тармоқларининг техник ҳолати техник шартларда назарда тутилган тартибда қоникарли сақланишини таъминлаш.

- “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун ажратилган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланиш ва қурилиш ишларини белгиланган муддатига қадар яқунлаши ва объектни Давлат қабул комиссиясига топшириши лозимлиги тушунтирилсин;

5.Туман бош архитектори (Ш.Тошпўлатов) бириктириб берилаётган ҳудудда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қатъий амал қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

6. Вилоят “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси туман филиали (И.Мамаюсупов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Қосимов) ҳисобга олиш мақсадида мазкур қарор асосида “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари (Ж.Шапўлатов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими ўринбосари



Ж.Шапўлатов

ДАЛОЛАТНОМА

“ ___ ” 2021 йил

Жарқўрғон тумани

Бизлар ким ушбу далолатномани тузиб қуйида имзо чекувчилар туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер танлаш ва ажратиш комиссия”си аъзолари:

Ж.Шапўлатов - Комиссия раиси ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Б.Аллабердиев -туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б

Ш.Тошпўлатов -туман қурилиш бўлими бошлиғи,

А.Бердиев -туман СЭОМ бош ҳакими,

И.Мустофақулов -Жарқўрғон тумангаз филиали бошлиғи,

Ғ.Эргашев -туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи,

Б.Тоғаев -туман ёнгинга қарши ишлаш бўлими бошлиғи,

Ф.Маматмуродов -Жарқўрғон телекоммуникация бўлими бошлиғи,

Э.Тажимуродов -туман “Сувокова” ДУК Жарқўрғон туман филиали бошлиғи,

Х.Қаюмов -туман ЙФК бошлиғи,

С.Холбоевга -Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Жарқўрғон тумани инспекцияси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кундаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонида асосан “Қорақурсоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Хаитов Акмалнинг туман ҳокими номига 2021 йил 30 январь кунда “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқдик. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер танлаш ва ажратиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун ажратилаётган 600,0 кв.м ер майдони қуйидагича чегараланади, яъни

- Шимолдан - Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси билан
- Шарқдан - Намунавий уй-жойлар билан
- Жанубдан - Намунавий уй-жойлар билан
- Ғарбдан - Маҳаллий кўча билан.

“Қоракурсок” маҳалласи ҳудудидан “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун ажратилган ер майдони санитария, ёнғинга қарши қураш хавфсизлиги меъёрий қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу қурилишлар учун ажратиладиган ер майдонида инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи техноген ҳолатлар мавжуд эмас.

Комиссия аъзолари тумандаги “Қоракурсок” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хайтов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш масаласи қонун талабларига мувофиқ бўлганлиги сабабли далолатноманинг тасдиғини туман ҳокимлигидан сўрайди.

Ж.Шапўлатов



Комиссия аъзолари:



Б.Аллабердиев



Ш.Тошпўлатов



А.Бердиев



И.Мустофақулов



Ғ.Эргашев



Б.Тоғаев



Ф.Маматмуродов



Э.Тажимуродов



Х.Қаюмов



С.Холбоев



**Жарқўрғон туман қурилиш бўлими
бошлиғи Ш.Тошпўлатовга**

Т Е Х Н И К Х У Л О С А

1. Жарқўрғон туман “Қорақурсоқ” маҳалласи.

2. Объект: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кундаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан “Қорақурсоқ” маҳалласи худудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун ер майдони ажратиббериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПФ-4329-сонли фармойишига асосан 2019 йил 1 июлдан бошлаб барча турдаги қурилишлар лойихасига инженер-техник коммуникацияларни жумладан телекоммуникация тизими қурилиши шарт қилиб белгиланган.

4. Қурилиш қилиши режалаштирилаётган объектда ер козиш ишлари телекоммуникация ходимлари иштирокида амалга оширилиши керак. Ер козишдан олдин оғохлантириш берилиши керак.

5. Қурилиш монтаж ишлари давомида мавжуд алоқа иншоатлари ҳамда ер остидан утган кабелларни узгартириш, қайта тортиш ҳамда қайта қуриш ишлари пудратчи томонидан тулик амалга оширилади. Ишлар давомида алоқа иншоатларига етказилган зарарлар тулик янги қийматда қоплаб берилади.

6. Барча лойиха ишларида алоқа иншоатлари ҳамда кабеллари утказилган худудлар ишчи харитага тушириб берилади.

7. Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб бир йилгача ўз кучини саклайди.

Бошлик:




Ф.Маматмуродов

«HUDUDIIY ELEKTR TARMOQLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

“SURXONDARYO HUDUDIIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI

JARQO'RG'ON TUMAN ELEKTR
TA'MINOTI KORXONASI



АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«РЕГИОНАЛЬНЫЕ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ»

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
“СУРХАНДАРЬИНСКОЕ
ПРЕДПРИЯТИЕ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ
ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЕЙ”
СЕТЕЙ”
ДЖАРКУРГАНСКИЙ РАЙОННЫЙ
ЭЛЕКТРОСНАБЖАЮЩИЙ
ПРЕДПРИЯТИЕ

Манзилгоҳ: Жарқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалласи Хаудаг кўчаси
Тел: 43-21-946. 95-501-06-48 факс: 43-21-393

№ 15-05/1173

«30» «09» 2021 йил

Жарқўрғон туман қурилиш бўлими
бошлиғи Ш.Тошпўлатовга

ТЕХНИК ХУЛОСА

Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси аксиадорлик жамияти Жарқўрғон туман электр таъминоти корхонаси Сизга шуни ёзиб маълум қиладики Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кундаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан фуқаро Хаитов Акмалга “Қоракурсқ” маҳалласи ҳудудидан 600,0 кв.м ер майдонига “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши учун танланган ер майдони ҳудудидан 0,4-6-10 кВ паст ва юқори кучланишли ҳаво электр узатиш тармоғи ўтган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабр кундаги “Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1050-сонли қарорининг 3-боб 31-бандида белгиланган тартибда 0,4-6-10 кВ паст ва юқори кучланишли ҳаво электр узатиш тармоғини қурувчи томонидан кўчириб бериш шarti билан лойиҳалаштиришингизни сўрайди.

Жарқўрғон ТЭТК бошлиғи:

Баж.Н.Атамуротов

Ғ.Эргашев

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
Сақлаш Вазирлиги Сурхондарё
Вилояти

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni
saqlash Vazirligi Surxondaryo Viloyati

**ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН ДАВЛАТ
САНИТАРИЯ-
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ОСОИШТАЛИК
МАРКАЗИ**

**JARQO'RG'ON TUMAN DAVLAT
SANTARIYA-EPIDEMIOLOGIYA
OSOISHTALIK MARKAZI**

Жарқўрғон тумани Шижоат кўчаси 24 уй
Телефон: 22-332

Jarqo'rg'on tumani Shijoat ko'chasi 24 uy
Telefon:22-332

“ ” 2021 йил

№ _____

**“Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан фуқаро
Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” биноси
қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш
тўғрисида**

С а н и т а р и я х у л о с а с и

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер кодекси»нинг 55-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги 100-Ф-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунидаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун туман СЭО маркази қуйидаги санитария техник шартни тавсия қилади.

1. Иншоатнинг лойиха ҳужжатларини тайёрлаш. Бинонинг ёритилиши, шамоллатилиши К.М.К ва СанҚ ва М талабига мос бўлиши таъминлансин.
2. “Ёшлар меҳнат гузари” биносида ичимлик суви ва маҳаллий канализация тизимини ўрнатиш.
3. Иншоатдан 25 метр узокликда замонавий ҳожатхона қуриш, қаттиқ чиқиндиларни вақтинчалик тўплаш жойи ташкил этиш.
4. Худудда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилсин.
5. Аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги СанҚ ва М 0339-16 талаблари инобатга олиниб, объектни лойихалаштириш.

Жарқўрғон туман СЭО маркази
бош врач:



А.Бердиев

Ўзбекистон Республикаси
Автомобил Йуллари Давлат
қўмитаси
Сурхондарё вилояти Автомобил
Йуллари ҳудудий бош бошқармаси
Жарқўрғон туман
йўллардан
фойдаланиш унитар
корхонаси
Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туман,
Н.Боймуродов 91-уй . телефон 94-267-00-50



“O‘zbekiston Respublikasi Avtomobil
yo‘llari Davlat Qumitasi
Surxondaryo viloyati Avtomobil
yo‘llardan Hududiy bosh boshqarmasi
Jarqorgon tuman
yo‘llardan foydalanish unitar
korxonasi

Surxondaryo viloyati, Jarqorgon tuman
N. Boymurodov kuchasi 91 tel; 94-267-00-50

Жарқурғон шаҳри, Н. Боймуродов кучаси, 91 Телефон : 43 – 21 - 840

“ 29 ” 01. 2021 йил

№ 20.

**Жарқўрғон туман қурилиш бўлими
бошлиғи Ш.Тошпўлатовга**

Х У Л О С А

Жарқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси маъмурияти Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунидаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан 600,0 кв.м ер майдонига “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши ишлари йўл минтақасига ҳозирча ҳалақит бермаслиги яъни давлат йўлларига узоқ жойлашганлиги сабабли Жарқўрғон туман ЙФУК маъмурияти эътироз билдирмайди.

Ўрнатилаётган объект йўл ҳудуди минтақасидан қурилса амалдаги қонунчилик асосида шартнома тузилиб ойма-ой тўловларни амалга оширишингиз лозим бўлади. Автомобил йўллар минтақаси мавжуд автомобил йўл ўқидан ўнг томондан 50 метр, чап томондан 50 метрдан ошгандан кейин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сонли қарорининг 3 бандига асосан йўл қисмининг 25 метрдан сўнг вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан қурилиш мумкин.

Келажақда йўл категорияси ўзгарганда, ёки уни кучириш билан боғлиқ бўлганда йўл минтақасида ўзгариш киритилса, давлат томонидан бирон-бир объект қурилиши лозим бўлса йўл корхонаси объектни қурилишини бузиш, кўчириш ёки маблағ тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари тўғрисидаги қонуннинг V боб 24 моддаси.

**Жарқўрғон туман ЙФУК
директори:**



Х.Қаюмов



HUDUDGAZ SURXONDARYO



GAZ TA'MINOTI FILIALI
JARQO'RG'ON TUMANGAZ TA'MINOTI BO'LIMI

« »

2021 у.

№ 29-02-

ТЕХНИК КЎРСАТМА

“Узтрансгаз” АЖ Сурхондарё вилояти бўйича ҳудудидй газ таъминоти филиали Жарқўрғон туман участкаси Сизга шуни ёзиб маълум қиладики Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунидаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан фукаро Хаитов Акмалга 600,0 кв.м ер майдонига “Ёшлар меҳнат гузари” биноси қурилиши ишлари табиий газ тармоғига уланмайди.

Участка бошлиғи

И.Мустофакулов

**“O`ZSUVTA`MINOT”
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**“SURXONDARYO SUV
TA`MINOTI” MCHJ**

190111, Termiz shahri, T/Mirzayev ko'chasi 124 A uy
Faks (8 376) 22-1-23-27 Tel: 22-1-19-57
surxonsuvoqova2020@umail.uz

2021 йил “ 30 ”

01

№ 39



**“UZSUVTAMINOT”
JOINT STOCK COMPANY**

**“SURXONDARYO SUV
TAMINOTI” LLC**

190111, Termiz city, T/Mirzayev street 124 A apt.
Faks (8 376) 22-1-23-27 Tel: 22-1-19-57
surxonsuvoqova2020@umail.uz

Термиз шаҳар

ТЕХНИК ХУЛОСА

“Сувоқова” ДУК Жаркўрғон туман филиали Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кундаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига асосан “Қорақурсок” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хаитов Акмалга “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши мўлжалланаётган ер майдонида ичимлик суви ер ости коммуникациялари мавжуд бўлган тақдирда тадбиркор томонидан кўчириш ва ўзгартириш ишларини амалга оширади. Фуқаро Хаитов Акмал томонидан қурилаётган “Ёшлар меҳнат гузари” эҳтиёжи учун зарур бўлган ичимлик суви энг яқин сув тармоғига уланишига ва сувоқава филиали вакили иштирокини таъминлаш ҳамда сув ҳисоблаш асбоби билан уланишга техник шарт беради

**“Сухондарё сув таъминоти” МЧЖ
Жаркўрғон туман филиали бошлиғи:**

А.Абсаттаров